

НОТИҚЛИК САНЬАТИДА ИНТЕРФАОЛЛИК

Urkinbayeva Maqpal Amankeldiyevna

Navoiy davlat pedagogika instituti

Rus va qozoq filologiyasi fakulteti

Qozoq tili va adabiyoti kafedrası o'qituvchisi

Аннотация

Ушбу мақолада нотиқлик санъатида ўқувчиларнинг матнни ўқиш, унинг мазмунини англашга нисбатан онгли муносабатлари ўқув-билиш жараёнида уларда матнда ифодаланган воқеликка нисбатан турли саволларнинг туғилишида яққол акс этиши хусусида сўз юритилган. Дарс жараёнида кўрсатмали воситалардан фойдаланиш эса уларнинг тасаввурлари аниқ бўлишини таъминлайди. Шу сабабли таълим жараёнида матн билан ишлашда кўрсатмали воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тасаввурини янада бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Калит сўзлар: оғзаки ва ёзма нутқ, талаффуз, урғу, грамматика, эркин, ижодий, танқидий.

Abstract

This article talks about the fact that the students' conscious attitude towards reading the text and understanding its content in the art of speaking is clearly reflected in the emergence of various questions about the reality expressed in the text. And the use of instructional tools in the course of the lesson ensures that their ideas are clear. Therefore, the use of instructional tools in working with the text in the educational process helps to further enrich the students' imagination and expand their worldview.

Key words: oral and written speech, pronunciation, accent, grammar, free, creative, critical.

Нутқ ўстириш – шахс томонидан оғзаки ва ёзма бадиий тил меъёрлари: тўғри талаффуз, урғу, грамматика, сўзларни тўғри қўллаш қоидаларини ўзлаштириш орқали унда тилнинг бадиий ифода воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда равон сўзлаш малакаларини ривожлантиришни ифодаловчи педагогик жараён. Ўз моҳиятига кўра нутқ ўстириш шахс, жумладан, ўқувчи томонидан оғзаки ва ёзма бадиий тил меъёрлари: тўғри талаффуз, урғу, грамматика, сўзларни тўғри қўллаш қоидаларини амалий ўзлаштириш, тилнинг бадиий ифода воситаларидан самарали фойдаланиш, равон сўзлаш малакаларига эга бўлишини таъминловчи метод, усул, воситалар ёрдамида педагогик қўллаб-куватлаш, тўғри йўналтириш, зарур ўринларда керакли чораларни кўриш ҳамда

жараёнга раҳбарлик қилишни англатади. Нутқда қуидаги хусусиятлар намоён бўлади:

- 1) фикрни баён этиш эҳтиёжини амалга оширишга қаратилади, тугалланган мавзуни ифодалайди, логик ва грамматик қоидалар асосида тузилади, мустақил, тугалланган, ўзаро боғланган маъноли қисмларга бўлинади
- 2) оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланади;
- 3) оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш ягона жараёнда кечади;
- 4) шунга қарамай, оғзаки ва ёзма нутқ орасида жиддий тафовутлар мавжуд (улар ҳақида ишнинг кейинги бобида батафсил сўз юритилади);
- 5) нутқ мулоқот чоғида иштирок этувчиларнинг сонига кўра диалогик ва монологик каби турларга бўлинади;
- 6) диалог оғзаки нутқнинг кенг тарқалган турларидан, нутқий мулоқотнинг табиий шаклларидан бири бўлиб, икки ёки бир неча шахс ўртасида кечади;

7) оғзаки нутқ, табиатига кўра, кўпроқ сұхбат шаклида юзага келади;

8) нутқнинг жуда муҳим шаклларидан бири саналадиган монолог диалогга нисбатан мазмунни ифодалаш учун тил воситаларини танлаш, нутқнинг қурилишига кўра бир қадар анъанавийликка эга. Нотиқлик санъатида интерфаоллик ва онглийлик ўз моҳиятига кўра интерфаоллик тамойили замонавий дарсларда бўлгани каби таълим тизимида матн билан ишлашга қаратилган ўқув-билиш фаолиятининг кичик гуруҳларда ташкил этилиши, ўқувчининг якка ҳолатда фаолияти кичик гуруҳлар фаолияти доирасида кечишини англатишга хизмат қиласи. Унга кўра ўқув топшириқлари кичик гуруҳларда, ўқувчиларнинг ўзаро, биргаликдаги ҳаракатлари асосида бажарилади. Биргаликда ўқув топшириқларини бажаришда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг фаол бўлишини таъминлай олиши зарур. Ўрганилаётган матн юзасидан ҳар бир ўқувчининг мустақил равишда ҳеч бўлмагандан биргина ғояни билдиришини таъминлаш уларда секин-аста эркин, ижодий, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун замин яратади. Онглийлик тамойили ҳар бир ўқувчи томонидан матнга нисбатан ижодий ёндашилишини, унинг мазмунини етарлича, тўғри тушунилишини, берилаётган топшириқ, саволларга фикрлаш, мулоҳаза юритиш асосида ёндашилишини ифодалайди. Ўқувчиларнинг матнни ўқиш, унинг мазмунини англашга нисбатан онгли муносабатлари ўқув-билиш жараёнида уларда матнда ифодаланган воқеликка нисбатан турли саволларнинг туғилишида яққол акс этади. Ўқувчилар томонидан “Нима учун?”, “Нега шундай?”, “... бўлганда-чи, нима бўлган бўларди?”, “Нега шундай бўлган?” каби ўнлаб саволларнинг берилиши уларнинг матн мазмунини чукур ўзлаштираётганидан далолат беради.

7. Кўрсатмалик тамойили. Психологик нуқтаи назардан бошланғич синф ўқувчилари билимларни образли қабул қиласи. Дарс жараёнида кўрсатмали

воситалардан фойдаланиш эса уларнинг тасавурлари аниқ бўлишини таъминлайди. Шу сабабли бошланғич синф ўқиш дарсларида матн билан ишлашда кўрсатмали воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тасаввурини янада бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда она тили таълимининг мазмуни ўзгармоқда, яъни грамматикадан кўра ўқувчилардаги нутқий ва лингвистик компетенцияни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. 5-синф она тили дарслигига фанга оид компетенциялар; нутқий компетенция (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш) ҳақида алоҳида ёритилган.

Тинглаб тушуниш:

- монологик, диалогик нутқ ва сухбатни эшитиб тушуна олади;
- тингланган матн (аудио матн, ҳикоя матни)ни тушунади;
- кўрилган лавҳадаги асосий ахборот, воқеа-ҳодисаларни тушунади;
- дарсликда берилган грамматик тамойил ва маълумотларни тинглаб тушунади;
- турли содда матннадаги ва жадваллардаги маълумотлардан керакли бўлган детал, фикрни тушунади, таққослайди, ажратади, умумлаштириб хулосалайди; аудиоматериални тинглаб, оғзаки айтиб беради ва матн кўринишида ёзиб беради;

Гапириш:

- оиласи, қизикишлари ҳақида равон гапиради, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришади, турли расмларга қараб фикрини оғзаки баён қиласди ва кундалик буюмларга мос таърифлар беради;
- мантиқий, креатив, ижодий, танқидий фикрлайди ва фикрини оғзаки баён қиласди; ўрганилган матн, топшириқ, грамматик тамойил ва маълумотларни кетмакетликка амал қилган ҳолда оғзаки баён қиласди;
- нутқини адабий талаффуз меъёрларига амал қилган ҳолда, ифодали, равон, мазмунли ва таъсирчан гапиради.

Ўқиш:

- берилган матнни тиниш белгиларига амал қилган ҳолда равон ўқийди;
- матннинг маълум қисмини ўқиб уни мантиқан давом эттира олади, ўқиш мобайнида содда матнни тушуниб, матннинг умумий мавзусини белгилайди, матнга сарлавҳа қўяди;
- унли ва ундошларни талаффуз меъёрларига амал қилган ҳолда ўқийди;
- янги сўзларни ўрганади ва уларни аввал ўрганилган сўзларга боғлаб эслаб қолади, янги сўзларнинг маъноларини луғат ва контекслар ёрдамида ўқиб тушунади, хулоса чиқаради, хулосани матнда берилган ҳодисага боғлайди;

Ёзиш:

- нуқта, сўрок, ундов, вергулни тўғри қўйган ҳолда содда гаплар тузади;

берилган таниш мавзу асосида, эшигилган аудиолавҳа ёки диалог асосида матн тузади, расм асосида матн тузиб, ёзма баён қиласиди;

- мантиқий, креатив, ижодий, танқидий фикрлайди ва фикрини ёзма баён қиласиди;
- турли матндаги ва жадваллардаги маълумотлардан керакли бўлган деталда фикрни тушуниб ажратади, таққослайди, умумлаштириб, ёзма муносабат билдиради;
- ҳуснихат, тиниш белгилари ва имло қоидаларига амал қилган ҳолда 10-12 та гапдан иборат матн яратади;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Azizzo`jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat (O`quv Qo`llanma). – T.: O`zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2006 y. – 160 b. 64-67 betlar.
2. Она тили ўқитиши методикаси” фанидан маъруза матнлари / Тузув.: М.Тилавова, Б.Сапаева //www.google.co.uz__strukturno-semanticheskie_i_kommunikativnye_osobennosti_passivnyx_konstruktsij_v_tekste.pdf.
3. Психологопедагогические основы развития речи <http://www.ecsir.ru/plmeds-560-3.html>.
4. Рыжкова-Гришина Л.В. Система работы по развитию речи учащихся начальных классов: на материале авторских учебно-методических пособий // <http://www.dslib.net/teoria-vospitania/sistema-raboty-po-razvitiyu-rechi-uchawihsja-nachalnyh-klassov-na-materiale-avtorskih.html>